

## Қозоғистон жанубида бир йўла иккита масжид очилди




11:11 / 10.11.2018 2750

Қозоғистоннинг Жамбил вилоятида бир йўла иккита янги масжид очилди.  
Бу ҳақда [azan.kz](http://azan.kz) нашри хабар берди.

Кеча, муборак жума куни, Шуй тумани Полвон Шолак қишлоғида янги  
масжиднинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Image not found or type unknown




Тадбирда Қозоғистон Муслмонлар диний идораси раиси Серикбай кажи Ораз ҳамда маҳаллий имомлар, таниқли бахшилар ва қишлоқ аҳолиси иштирок этишди. Раис ушбу масжиднинг қурилишига бош-қош бўлганларнинг ҳаққига дуо қилиб, алоҳида миннатдорчилик изҳор қилди.

Image not found or type unknown



“Муҳтарам жамоат! Бугун нафақат Полвон Шолак қишлоғи аҳли, балки бутун мамлакатимиз мусулмонлари учун байрамдир. Ким Аллоҳ йўлида масжид қурса, Аллоҳ унга жаннатда унинг мислини қуради. Яна ҳадиси шарифда айтилишича, одамлар бир-бирлари билан саломлашадиган, ҳар бир иш Аллоҳнинг номи билан бошланадиган ва тилларидан ҳамиша миннатдорчилик ёғиладиган жамоатнинг бошига ҳеч қачон кулфат ёғилмайди. Биз ушбу эзгуликларни ўз анъаналари ва онгига сингдирган мусулмон халқимиз. Аллоҳ таоло халқимизни қўллаб-қувватласин. Янги масжид ҳам яхшилик йўлида унинг қавмига хизмат қилсин. Омийн!” – деди Серикбай кажи Ораз ўз нутқида.

Image not found or type unknown



Янги масжидда бир вақтнинг ўзида 400 нафар киши намоз ўқий олади.

Шунингдек, жорий йилнинг 8 ноябрь куни Тароз шаҳрида ҳам ўз бағрига 800 кишини сиғдира оладиган "Наметбай" масжидининг очилиши ҳам бўлиб ўтган.

***Islom.uz*** портали таҳририяти